

# Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш мухандислари институти



## ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

ТОШКЕНТ-2019

**“Америка модели”** - жамиятда иқтисодиётнинг эркинлигини максимал даражада таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини фаоллаштириш, сиёсий партиялар рақобатини ривожлантиришга асосланган.

**“Франция ва Япония модели”** - мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлатнинг ролини ошириш, давлат корхоналари сонининг кўплиги, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, миллий менталитетнинг юксаклигига асосланган.

**“Корея модели”** - импорт товарларни мамлакат ичкарисида ишлаб чиқариш ва кейинчалик экспортга чиқаришни ташкил этиш, сиёсий кучлар мувозанатини таъминлаш, қонун устуворлиги тамойилининг мустахкамланишига асосланган.

**“Германия ва Швеция модели”** - юқори даражада иқтисодий тараққиёт натижасида кучли ижтимоий сиёсат юритиш имкониятигинин яратиш, фуқароларнинг юксак хуқуқий ва сиёсий маданият даражасига асосланган.

**“Хитой модели”** - ижтимоий мулкка асосланган иқтисодий тизимни хусусий мулк билан уйғунлаштириш натижасида юқори даражада тараққиётга эришиш, фуқароларнинг ватанпарварлиги ва меҳнатсеварлигига асосланган.

Собиқ Иттифоқ, СССР деган империя пароканда бўлиб, тарқалиб кетганидан сўнг, ўта таҳликали бир замонда биз **“шок терапияси”** каби моделларнинг номақбул шаклларидан бутунлай воз кечганимиз ўта муҳим ва ҳал қилувчи қадам бўлди.

Ўзбекистонимизга мос тарихий, миллий, анъанавий ва иқтисодий вазият ва хусусиятларни инобатга олмасдан туриб, *“бозор иқтисодиётининг шиддатли гирдобига ўзингни ташласанг, унинг ўзи кўзланган манзилга олиб чиқади”* деган хомхаёллардан бутунлай воз кечдик. Ва бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, **“ўзбек модели”** деб ном олган жамиятимизни тубдан ислоҳ этиш, эркинлаштириш, демократик янги давлат қуриш, уни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган тараққиёт йўлимизни танлаб олдик.



**1**  
**Иқтисодиётни  
мафкурадан  
холи қилиш**



**5**  
**Ислоҳотларни  
босқич-ма-  
босқич амалга  
ошириш**



**4**  
**Кучли  
ижтимоий  
сиёsat**



**2**  
**Давлат бош  
ислоҳотчи**



**3**  
**Қонун  
устуворли-  
гини  
таъминлаш**

Юртбошимиз Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати, янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлиниң умумий принсплари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида дастлаб **1992 йилда «Ўзбекистонинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли»** деб номланган рисоласида фикр юритган эди. Сўнгра **1993** йилда эълон қилинган **«Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли»** асарида туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг 5 та тамойили “ўзбек модели”и чуқур ва атрофлича илмий асосланади.

**1-ТАМОЙИЛ**

**ИҚТИСОДИЁТНИНГ СИЁСАТДАН**

**УСТУНЛИГИ-МАФКУРАДАН ҲОЛИ**

**ЭКАНЛИГИ**

Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳалибери давом этажанига қарамасдан, дунёning саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпиички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Янги – 2015 йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тутилмокда.



# **2014 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари**

**Саноат маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш ҳажми  
8,3%**

**Капитал қурилиш ҳажми  
10,9%**

**2014 йилда Ўзбекистоннинг ялпи ички  
маҳсулоти 8,1%га ошди**

**Кишлоқ хўжалиги ишлаб  
чиқариш ҳажми 6,9%**

**Улгуржи тавар  
айрибошлаш ҳажми 14,3%  
ошди**

**Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 70% га яқинини  
юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ташкил этади.**

Инфляция күрсаткичи  
6,1%ни ташкил эти. Бу  
тажмин этилган натижадан  
анча паст.



Давлат бюджети 0,2%  
профицит билан бажарилди.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва дехқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

**Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.**




# Мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон иқтисодиётида эришилаётган натижадар муралар

Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи  
ялпи ички маҳсулотга нисбатан


16 фоиздан ошмаяпти, экспорт ва  
олтин-валюта захираларимиз ҳажми  
кўпайиб бормоқда.

Айрим мамлакатларда 2012 йил  
якунида давлат қарзи даражаси.  
ЯИМга нисбатан %



# Мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон қишлоқлари қиёфасининг ўзгариши

## Қишлоқ жойларда якка тартибда қурилган уй-жойлар



**2-ТАМОЙИЛ  
ДАВЛАТ БОШ ИСЛОХОТЧИ**

# Давлат бош ислохотчи Эканлиги



2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати **4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.**

Уларнинг қаторида йилига 60 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган **«Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси»** масъулияти чекланган жамияти базасида «Дамас» ва «Орландо» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», **«Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш»**, **«80 минг тонна рух концентратини қайта ишлаш бўйича рух заводини реконструкция қилиш»**, электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини 50 мегаваттга ошириш мақсадида **«Сирдарё иссиқлик электр станциясини тўлиқ миқёсда модернизация қилиш»**, Қорақалпоғистон Республикасидаги **«Манғит»** масъулияти чекланган жамияти базасида йилига 5 минг тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган ип-калава йигириув корхонаси ташкил этиш» ва бошқа объектларни тилга олиш мумкин.



**Биргина 2014 йилнинг ўзида темир йўллар қуриш, реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ва йўловчи ташийдиган темир йўл транспортини қайта тиклаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 630 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.**



**Бу маблағнинг ярмидан кўпи Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳасини жадал суръатларда давом эттиришга йўналтирилди. Шу билан бирга, 240 километрлик темир йўл қайта тикланди, ўзимизда 650 та юк ва 20 та йўловчи ташиш вагонлари ишлаб чиқарилди, Қарши темир йўл вокзали реконструкция қилинди. Тошкент – Самарқанд ва Самарқанд – Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган «Афросиёб» тезюорар поездига 2014 йилда 180 мингдан зиёд йўловчи ўз манзилига етказилди.**


# **З-тамойил**

# **Конун устуворлиги**

**Охирги 4 йил давомида Концепцияда белгилаб берилган 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмокда.**



**Конституциявий қонунчиликка Бош вазир лавозимиға  
номзодни Олий Мажлиснинг Конунчилик палатасида энг кўп  
депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан таклиф  
этилиши каби муҳим институтлар киритилди.**





**Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқлариға риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда жиноий ишларни кўриб чиқишида қонунийлик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизмини изчил ривожлантирган ҳолда, “Хабеас корпус” институтини қўллаш доираси кенгайтирилди.**

# **4-ТАМОЙИЛ КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ**

# **Айрим ўқув адабиётлари ва дастурларда давлат ижтимоий сиёсатининг асосий босқичлари**

## **1-босқич (1991-1994 йиллар)**

- Янги ижтимоий ҳимоя тизими институционал асосларининг яратилиши

## **2-босқич (1995-1999 йиллар)**

- Аҳолини ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан унинг мақсадли ва манзилли амалга оширилишига ўтиш

## **3-босқич (2000 йилдан ҳозиргача)**

- Аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг чуқурлашуви

**Президентимиз кучли ижтимоий сиёсат юритишни иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишнинг ишончли кафолати, Ўзбекистоннинг янгиланиш ва тараққиёт йўлини намоён этувчи энг мухим тамойиллардан бири деб билдилар. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бутун бир тизими яратилди.**





**2014 йилда ижтимоий соҳада ҳам чукур сифат ўзгаришлари рўй берди. Бу соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва ривожлантиришга давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилмоқда.**

Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 540 дан зиёд объект, шу жумладан, 380 та мактаб, 160 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди. Мазкур мақсадлар учун қарийб 550 миллиард сўм сарфланди.

Ушбу маблағларнинг 120 миллиард сўмдан ортиғи таълим муассасаларини ўқув, лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш учун ажратилди.





**2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш дастури доирасида 19 та олий таълим муассасасида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича қиймати **230 миллиард сўмлик** ишлар бажарилди. Андижон давлат университети, Бухоро мұхандислик-технология институти, Ўзбекистон Миллий университетида янги ўқув бинолари барпо этилди.**



**Фақат 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўкувчилари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.**

**2014 йил мобайнида факат Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 18 та намунавий спорт обьекти ва 73 та мактаб спорт зали барпо этилди, 24 та обьектда қарийб 100 миллиард сўмлик реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилганини қайд этиш лозим.**





Ижтимоий ислохотларнинг самарасини нуфузли халқаро мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари эришаётган ғалабаларда кўришимиз мумкин. 2014 йилда спортчиларимиз 849 та медални қўлга киритди, уларнинг 266 таси олтин медаллардир.

**2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани айниқса эътиборлидир.**

**2014 йилда мамлакатимиз таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди. Шуниси қувонарлики, ёшларимизнинг аксарият катта қисми ўз келажагини кичик бизнесда кўрмокда.**



# **Кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда йил номи билан боғлиқ махсус Давлат дастурлари**

**1997 йил – “Инсон манфаатлари йили”**

**2005 йил – “Сиҳат-саломатлик йили”**

**1998 йил – “Оила йили”**

**2006 йил – “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”**

**1999 йил – “Аёллар йили”**

**2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”**

**2000 йил – “Соғлом авлод йили”**

**2008 йил – “Ёшлар йили”**

**2001 йил – “Она ва бола йили”**

**2009 йил – “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”**

**2002 йил – “Қарияларни қадрлаш йили”**

**2010 йил – “Баркамол авлод йили”**

**2003 йил – “Обод махалла йили”**

**2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”**

**2004 йил – “Мехр ва мурувват йили”**

**2012 йил – “Мустаҳкам оила йили”**

**2013 йил – “Обод турмуш йили”**

**2014 йил – “Соғлом бола йили”**

**2015 йил – “Кексаларни эъзозлаш йили”**

**5-ТАМОЙИЛ  
БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА  
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ  
ЎТИШ**



Бозор муносабатлари кишиларнинг янгича дунёкараши, психологияси, кўникма ва хулк - автори, таъбир жоиз бўлса, хаёт тарзи хамдир. Уларнинг қарор топиши ва ривожланиши учун эса маълум вакт, сабр - тоқат, изчиллик даркор. Шунинг учун дастлаб мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчиликнинг давлатга карашли бўлмаган шакллари - хусусий, оила, хиссадорлик, жамоа ва бошқа турларига асосланиб янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритиш усулларини қўллаб - қувватлаш йўли билан аралаш, кўп қиррали (уклади) иқтисодиётни шакллантириш йўлидан борилди.



**“Ўзбек модели”нинг жамият ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий хаёт соҳаларида намоён бўлиши, унинг Ўзбекистонда демократик жамият қуриш хусусиятларига мослиги бугун яна бир бор ўз тасдиғини топди.**





**Биз ўтган даврда амалга оширган ишларимизга баҳо берар эканмиз, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган савол асосида уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзимизга чуқур тасаввур этамиз. Айни вактида “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги, юксак мэрраларни эгаллашимиз керак?” деган савол устида ўйлашимиз, нафақат ўйлашимиз, балки амалий ишларимиз билан бунга жавоб беришимиз лозим.**

*Эътиборингиз учун раҳмат!*